O'ZBEKISTON
RESPUBLIK
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
13 январь
ШАНБА
№ 4
(11.911)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, Ватан ҳимоячиси деган шарафли ва олижаноб ишга ўзини бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн беш йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Биз ўтган 15 йил мобайнида юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кўлами ва моҳияти жиҳатидан том маънода улкан ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимизда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясига асосланиб, Марказий Осиё минтақасида тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, юзага келаётган таҳдид ва хатарларнинг ҳар томонлама чуқур таҳлили ва Қуролли Кучларни барпо этишнинг мутлақо янги принциплари негизида армиямизни ислоҳ қилиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган Дастур яратилди. Бу борада биз ўз олдимизга қўйган бош мақсад – ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган кучли армияни яратишдан иборат эди.

Шундай ўта муҳим ва ўта масъулиятли вазифаларни амалга ошириш йўлида ғоят қисқа вақт ичида чегаравий минтақалар, ҳарбий округлар тузилди, Мудофаа вазирлигининг бўлинма ва қисмларини, чегара қўшинларини, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона, кучли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимизнинг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди, уларнинг ўзаро уйғун ҳаракатини таъминлайдиган ва мувофиқлаштирадиган яхлит тизим шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Бирлашган штаби тузилди ва у бугунги кунда ўқув-машқ тайёргарлиги, тезкор-стратегик бошқарув ва режалаштириш, қўшинларнинг жанговар фаолиятини ташкил этиш сингари масъулиятли ишларга раҳбарлик қилиш бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Қуролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлинмаларининг принципиал нуқтаи назардан мутлақо янгича ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди. Бўлимлар, роталар, полклар, ёрдамчи бошқарув пунктлари ва шу каби етарли самара бермайдиган бўлинмалар тугатилди. Бу ўзгаришлар ўз навбатида армиямиз ва уни қисмларининг юқоридан қуйигача бўлган қурилишини тубдан қайта ташкил этиш, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини, жанговар имкониятларини кучайтириш, энг муҳими, барча даражадаги командирларнинг мустақиллигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, ўта муҳим жанговар топшириқларни бажаришга йўналтирилган Махсус операциялар бўйича кучларнинг қисмлари ташкил этилди. Ўзига хос алоҳида тайёргарлик тизимига эга бўлган, замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланган ушбу бўлинмалар эҳтимол тутилаётган душманнинг ҳар қандай тажовузкорона хатти-ҳаракатларига муносиб зарба беришга қодир қудратли куч сифатида шаклланди. Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари тоғли ҳудудларига суқилиб кирган халқаро террорчиларнинг жангари тўдаларини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операциялар бунинг яққол тасдиғидир.

Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилгани, замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлангани, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилгани, шартнома-контракт асосидаги хизматга ўтиш жараёни амалда якунлангани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар қобилиятини тубдан ўзгартирганини қайд этиш зарур.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кескин ошириш, армиямизда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, профессионал тайёргарлик даражасини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилди ва улар замонавий жанговар-ўқув базалари билан таъминланди. Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айлангани, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур.

Мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу эса Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу фикрни сўнгги йилларда Қуролли Кучларимизга муддатли ҳарбий хизматчиларни қабул қилиш асосан танлов орқали амалга оширилаётгани ҳам тасдиқлайди. Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Шуни алоҳида қайд этишимиз жоизки, кейинги вақтда хорижий мамлакатлар, биринчи галда Россия Федерацияси билан ҳарбий-техник ҳамкорлик соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Қўшинларимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда муддатли ҳарбий хизматчилар, сержант ва офицерлар таркибининг молиявий таъминот миқдори қарийб икки баравар оширилди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Ўзбекистон ўзининг ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, етарли даражада қуролланган, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини, юртимиздаги барқарорликни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиясига эга, деб ғурур ва ифтихор билан айтиш учун барча асосларимиз бор.

Азиз ватандошлар!

Биз бугун ғоят мураккаб ва нотинч замонда яшамоқдамиз. Марказий Осиё минтақасида ҳали-бери сақланиб қолаётган қалтис вазият, бутун дунёда давом этаётган низо ва қарама-қаршиликлар, тобора кўлами кенгайиб бораётган терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфи бизда жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Буларнинг барчаси шу муқаддас заминда яшаётган, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсондан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлашни, давлатимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялашни кучайтиришни, бунинг учун мавжуд бўлган барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишни тақозо этади.

Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман:

**биринчидан,** хавфсизликка қарши қаратилган замонавий таҳдид ва хатарларни таҳлил қилиш бўйича бошланган тизимли ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мавжуд хатарларнинг яқин ва узоқ муддатларда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини аниқлаш, Қуролли Кучларимизнинг мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан ҳар қандай таҳдидларга муносиб ва самарали тарзда қарши тура олиш имкониятларини баҳолашга танқидий нуқтаи назардан ёндашиш;

**иккинчидан,** қўшинларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника, ўта аниқ ишлайдиган қуроллар, бошқарув ва алоқанинг электрон, компьютерли тизимлари билан, шунингдек, ишончли анжом-аслаҳа ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланишини янада юксалтириш, пировард натижада бирлашма ва қисмлар, биринчи галда терроризмга қарши бўлинмаларнинг таъминот даражасини, жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш;

**учинчидан,** шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш, уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш. Ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган моделлаштириш, симуляция ва ҳарбий таълимнинг бошқа замонавий усулларини кенг жорий этиш лозим.

Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси – армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур.

Ҳарбий тайёргарлик даражаси ва ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар сифатини оширишда ҳар йили ўтказиладиган ва анъанага айланиб қолган "Энг яхши сержант", "Энг яхши гуруҳ командири", "Энг яхши взвод командири", "Энг яхши батальон командири" каби йўналишлар бўйича танловлар айниқса муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш даркор.

Бу ишларнинг барчасидан кўзланган бош мақсад – юксак жанговар тайёргарлик ва профессионализмни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтириш, сержант ва офицерларда етакчилик хусусиятларини ривожлантириш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдан иборатдир.

Шу боис ана шундай танловларни бутун армия миқёсида ўтказиш тажрибасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Танловда қатнашадиган ҳарбий хизматчиларни муносиб тақдирлаш тизимини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, яъни танлов ғолибларига муддатидан аввал навбатдаги ҳарбий унвонлар бериш, уларни моддий рағбатлантириш миқдорини ошириш, ҳарбий ўқув юртларига ўқишга киришда улар учун қўшимча имтиёзлар беришни кўзда тутиш даркор;

**тўртинчидан,** қўшинлар таркибини янада мақбул ҳолга келтириш, уларнинг ташкилий-таркибий тузилмасини, Қуролли Кучларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш. Бу йўналишдаги энг муҳим вазифа – жанговар ҳаракатлар чоғида муваффақиятга эришишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлган бирлашма ва қисмларнинг тезкор ҳаракатланиш имконияти ва ҳарбий тайёргарлигини оширишдан иборат;

**бешинчидан,** ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ўз-ўзидан аёнки, бу вазифанинг аҳамияти ва моҳияти 2007 йилнинг юртимизда "Ижтимой ҳимоя йили" деб эълон қилингани билангина боғлиқ эмас, албатта. Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблиги шундаки, хозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади.

Бу ҳақиқатни барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Яна бир бор сиз, қадрдонларимни Ватан ҳимоячилари куни, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ўн беш йиллик байрами билан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, азму шижоат, шахсий ҳаётингизда бахту саодат, шарафли ҳарбий хизматингизда янги ютуқлар ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони.**

**Ўзбекистон заминидаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, фаровонлик халқимизга истиқлол бахш этган бебаҳо неъматлардандир. Жамиятимиздаги барқарорлик Ватанимиз равнақи йўлида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда фидокорона меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Буларнинг барчаси Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасидир. Бу эса кучли давлат ва демократик жамият барпо этишда муҳим омил бўлмоқда.**

## МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мустақиллигимизнинг муҳим кафолати, озод ва обод Ватанимизни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишга қодир ишончли қалқондир. Шу кунларда мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 12 январь куни ушбу байрамга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г. Аъзамова ва Ўзбекистон халқ артисти Ё. Аҳмедов Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклади.

Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган, Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, республикамиз аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилгани таъкидланган. "Мудофаа тўғрисида" ва "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунлар Қуролли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида мужассам этган.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад унинг мудофаа қобилиятини ошириш, мамлакатимиздаги бу-

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Тошкент шаҳрида И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Республика нефть-газ тармоғи учун олий маълумотли малакали кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг (бундан буён – И. М. Губкин номидаги РДНГУ) Тошкент шаҳрида И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиалини (бундан буён – Филиал) таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

И. М. Губкин номидаги РДНГУда қабул қилинган таълим дастурлари ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумэътироф этилган халқаро талаблар, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ республика нефть-газ тармоғи учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш Филиалнинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

2. И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиалини ташкил этиш бўйича ташкилий комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал И. М. Губкин номидаги РДНГУнинг алоҳида таркибий бўлинмаси бўлиб, 2-иловага мувофиқ, келишилган асосий йўналишлар (мутахассисликлар) бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда барча даражадаги мутахассисларни, шу жумладан илмий-педагогик кадрларни тайёрлайдиган олий ўқув юрти ҳисобланади;

Филиал фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

абитуриентларни қабул қилиш ва Филиал битирувчиларини аттестациядан ўтказиш И. М. Губкин номидаги РДНГУ томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиалда ўқитиш И. М. Губкин номидаги РДНГУ томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари бўйича олиб борилади;

Филиал битирувчиларига И. М. Губкин номидаги РДНГУни тугатганлик ҳақида бериладиган белгиланган намунадаги диплом Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат, деб тан олинади;

Филиални ташкил этиш, ўқув-моддий базасини шакллантириш ҳамда И. М. Губкин номидаги РДНГУ мутахассисларини жалб қилиш билан боғлиқ хизмат сафарлари харажатларини тўлаш, маҳаллий ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта ихтисослаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни молиялаш "Ўзбекнефтгаз" МХК акционерлик компаниялари ва корхоналари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" МХК И. М. Губкин номидаги РДНГУ билан биргаликда:

**(Давоми 2-бетда).**



## МАТОНАТ ВА ФИДОЙИЛИК

### *Мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари хизматчиларининг олий фазилати*

Бугун мамлакатимиз Ватан ҳимоячиларини шарафлаб, миллий армиямиз ташкил топганлигининг 15 йиллигини кенг нишонламоқда. Мамлакатимизда эркин тараққиёт йўлига ўтилган дастлабки йилларданоқ эл-юрт хавфсизлигини таъминлай оладиган, уни ҳар дамда ишончли ҳимоя қилишга шай турадиган Қуролли Кучларни барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Соҳага оид қонунчиликни мустаҳкамлаш, тегишли янги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишга жиддий киришилди. Шу асосда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳарбий хизмат нуфузини ошириб, Ватан ҳимоячиси обрўсини кўтарди.

Шу йиллар ичида давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий мавқеи янада мустаҳкамланди. Қуролли Кучларимиз нисбатан ёш бўлса ҳам, унинг аскарлари ўзларининг жанговар анъаналарига эга эканлигини ҳар жиҳатдан намоён этмоқда.

Табиийки, жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, хусусан, мамлакатимиз ўз мустақил ривожланиш йўлидан оғишмай бораётгани ғанимларимиз оромини бузиб, уларнинг қарши ҳаракатига сабаб бўлади. Айниқса, турли кўринишлардаги нодўстона ҳаракатлар, терроrчилик ҳамиша огоҳ бўлишимизни, уларнинг ёвуз кирдикорларини барбод қилиш учун тайёр туришимизни тақозо этаётир.

Юртбошимизнинг Қуролли Кучлар олдига қўйган талабларидан келиб чиққан ҳолда 2002 йил Олий Мажлиснинг X сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил Олий Мажлиснинг XI сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши ҳарбий хизматни мамлакатимизда олиб борилаётган жамиятни демократик янгилаш жараёнларига мувофиқлаштириш имконини берди.

Қуролли Кучларда сержантлар ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларнинг ролини ошириш, сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолиятини шакллантиришга оид катта ишлар амалга оширияпти.

Қолаверса, қўшинларнинг аксарият қисмини шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар ташкил этиши, муддатли ҳарбий хизмат даврининг 18 ойдан 12 ойга қисқартирилиши, мутлақо янги турдаги ҳарбий хизмат, яъни, сафарбарлик чақируви резервидаги

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# Тошкент шаҳрида И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

бир ой муддатда 2007/2008 ўқув йилида таълим босқичлари ва йўналишлари бўйича Филиалга қабул қилинадиган талабалар сони юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

икки ой муддатда Тошкент шаҳрида Филиални ташкил этиш бўйича таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиалининг Васийлик кенгаши шахсий таркиби 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, И. М. Губкин номидаги РДНГУ:

илғор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва олий таълимнинг энг янги ютуқларини ўқув жараёнига жорий этишга;

геология, бурғулаш ва углеводород хомашёсини қазиб олиш йўналишлари бўйича мутахассислар малакасини ошириш ва Филиал профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлашга;

Филиал кутубхона фондини шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга ёрдам беради.

7. Белгилаб қўйилсинки, Филиал фаолиятини молиялаш:

давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган давлат грантлари шаклидаги маблағлар;

тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган маблағлар ҳамда ҳомийлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тошкент шаҳридаги И. М. Губкин номидаги РДНГУ Филиалида давлат грантлари асосида ўқиган битирувчилар республика нефть-газ тармоғи корхона ва ташкилотларида камида уч йил ишлаб бериш шарти билан ишга тақсимланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2007/2008 ўқув йилидан бошлаб, Филиалга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ошмайдиган қисмига давлат грантлари бўйича ўқиши учун ҳар йили давлат бюджетидан маблағ ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира фондидан Филиални зарур ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан жиҳозлаш ва кутубхона фондини шакллантириш учун маблағ ажратсин.

9. Филиални жиҳозлаш ва унинг фаолият кўрсатиши учун республикага олиб келинадиган ускуналар, адабиёт, мультимедия маҳсулотлари, инвентарь ва моддий-техника ресурслари, истисно тариқасида, 5 йил муддатга божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

10. Белгилансинки, И. М. Губкин номидаги РДНГУдан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш:

30 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат сафари бўйича – Россия Федерациясининг олий ўқув юртлари ходимлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ;

узоқ муддатли хизмат сафари бўйича – тузилган шартномаларга мувофиқ ва ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Филиал талабномалари бўйича Филиал томонидан таклиф этиладиган чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларни давлат божини ундирмасдан вақтинчалик рўйхатга олиш ва унинг муддатини узайтиришни таъминласин.

12. Филиалга, дарс бериш ва илмий ишларни амалга ошириш учун таклиф этиладиган чет эллик профессор ва ўқитувчиларнинг яшаши ва транспорт сарф-харажатларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича тузилган шартномаларга асосан, миллий валютада тўлашга рухсат этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясига Тошкент шаҳар, Ф. Хўжаев кўчаси, 34-уй манзилидаги маъмурий бинони И. М. Губкин номидаги РДНГУ Филиалини жойлаштириш учун бозор қиймати бўйича сотсин;

мазкур маъмурий бинони сотишдан тушган маблағни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини ривожлантириш жамғармасига Фанлар академияси муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли фойдаланиш учун йўналтирсин.

14. Филиални ташкил этиш бўйича ташкилий комиссия (Э. Шоисматов), "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси:

2007/2008 ўқув йили бошланишига мазкур маъмурий бинони реконструкция қилиш, Филиал ўқитувчи ва талабаларининг яшаши учун ётоқхона тайёрлаш;

ушбу бинода И. М. Губкин номидаги РДНГУ Филиалини жойлаштириш, уни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютерлар ва бошқа ташкилий техника воситалари, кутубхона фонди билан таъминлаш ишларини амалга оширсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 12 январь.

# Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Ислом КАРИМОВ.









## МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 январдаги «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ қатор юртдошларимиз юксак унвон, орден ва медаллар билан тақдирланишди. Улар орасида вилоятимиз вакиллари – «Шуҳрат» медали билан тақдирланган Юқоричирчиқ тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори Суннат Шамилович Камалов, Чирчиқ ҳарбий судининг раиси Нормад Аҳмадқулович Тожибоев, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи Абдували Ортиқович Узаков ва бошқалар бор.**

**Биз барча мукофотланганларни чин дилдан табриклаймиз.**

## МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

гунги янги шарт-шароитларга жавоб берадиган ҳамда мустақил тараққиётимизни таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришга қодир бўлган Қуролли Кучларни барпо этишдан иборатдир. Шу мақсадда Қуролли Кучларни ташкил этишнинг янги модели яратилди ва жорий этилди. Бугун армиямиз энг замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, моддий-техника воситалари билан жиҳозланган. Ҳарбий қисмларнинг тузилмаси такомиллаштирилди, ҳарбий округлар ташкил этилди, мураккаб вазиятларда тезкор ҳаракат қиладиган махсус бўлинмалар тузилди.

Давр талаби, мамлакатимиз ва хорижда тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Янги ҳарбий-ўқув юртлари – сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди. Бу мактабларда ўқитиш жараёнлари юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори ҳарбийларни тарбиялашга қаратилган.

Ўзбекистоннинг олий ҳарбий билим юртларида кадрлар тайёрлаш тизими изчил такомиллаштирилмоқда. Тошкент умумқўшин, Чирчиқ танк ва Самарқанд автомобиль олий ҳарбий қўмондонлик билим юртлари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди. 1995 йилда Марказий Осиёдаги дастлабки Қуролли Кучлар академияси ташкил этилди. Ахборот технологиялари ва моделлаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилди. Ташкилотчилик кўникмаларига эга, билимдон, мустақил ҳаракат қиладиган ва ҳар қандай шароитда тўғри қарорлар қабул қилишга қодир юқори малакали офицер-мутахассисларни тайёрлашга қаратилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда бир йиллик муддатли ҳарбий хизматга чақирув танлов асосида амалга оширилмоқда. Ҳарбий хизматнинг мутлақо янги тури – сафарбарлик чақируви резерви ташкил этилди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида Қуролли Кучларимиз сафлари яхши тайёрланган, жисмоний ва интеллектуал даражаси юқори йигитлар билан тўлдирилмоқда.

Юртимизда яшаётган ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи бўлмиш – Қуролли Кучлар сафида хизматнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Ҳарбий хизмат ёшларимизни нафақат жисмонан ва маънан чиниқтирмоқда, балки уларнинг руҳи, иродасини тобламоқда, жасорати, интилувчанлигини кучайтирмоқда, уларда ватанпарварлик, ўз юрти ва халқига садоқат каби хислатларни шакллантирмоқда. У ёшлар учун ҳақиқий ҳаёт мактаби вазифасини ўтамоқда.

Сўнгги йилларда Президентимизнинг ҳарбий хизматни ўташ шароитларини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига янги имтиёзлар беришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ҳарбий шаҳарчалар ободонлаштирилмоқда, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларининг коммунал ҳамда ижтимоий-маиший шароитлари тобора яхшиланмоқда. Аскар абитуриентларга олий ўқув юртига киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг 25 фоизи миқдорида балл қўшиб бериш имтиёзи яратилди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Мустақил экспертларнинг фикрича, Қуролли Кучларимиз бугун Марказий Осиёда энг яхши жиҳозланган ва жанговар тайёргарлиги юқори армия ҳисобланади. Шундай бўлиши табиий, албатта. Негаки, Ўзбекистон минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Профессионал ва иродаси мустаҳкам миллий армиямиз демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига ҳеч қандай ташқи куч ва таҳдидлар раҳна сола олмаслигининг мустаҳкам кафолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар орден, медаль ва фахрий унвонлар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан подполковник У. Ходиев ва сержант С. Турдиохунов Президент Ислом Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ва эътибори учун самимий миннатдорлик билдирдилар.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида уч босқичли танлов ўтказиш яхши анъанага айланган. 2006 йилда ҳам ҳарбий қисмлар, ҳарбий округлар, Қуролли Кучлар миқёсида ана шундай танлов ўтказилди. Йиғилишда энг яхши сержант, гуруҳ, взвод ва батальон командири деб топилган танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш катта байрам концерти билан якунланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Э. Халилов иштирок этди.

**А. ИВАНОВА,**
**Н. ОЧИЛОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

## МАТОНАТ ВА ФИДОЙИЛИК

хизматнинг йўлга қўйилиши қўшинларни тайёрлаш, уларни техникавий таъминлаш сифатини яхшилаш, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг турмуш даражасини кўтариш масалаларига моддий-маънавий воситаларни йўналтиришга муҳим омил бўлди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилмаган, аммо хизматга ҳар томонлама лойиқ ёшларни сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақириб, ҳарбий қисмлар шароитида ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялаш ва тайёрлашга имконият яратилди. Шу асосда 2003 йилнинг июль ойидан сафарбарлик чақируви резервига жалб қилинганларнинг йиғинлари ўтказилиб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майда эълон қилинган қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши икки баробарга, хизматни тамомлаганда бериладиган маблағ миқдори ҳам кескин кўпайди. Хизмат муддати тугаган аскарларга яна бир имтиёз берилдики, буни эътироф этмоқ жоиздир. Жумладан, хизмат даврида аъло натижаларга эришган аскарларга олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар берилмоқда. Қулайлик жиҳати шундаки, унга эга бўлганлар олий ўқув юртига кириш вақтида тест синовларидан ўтаётганларида энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллга 25 фоиз қўшиб берилади. Бу эса, йигитларимизга янада куч-ғайрат қўшади.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида йигитларни Ватан олдидаги ўз фарзандлик бурчларини бажаришга тайёрлаш билан тобора изчил шуғулланилмоқда. Бу борада биз «Ватанпарвар» ташкилоти, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маҳаллий бўлимлари билан ҳамкорликда анъанавий «Шунқорлар» мусобақаларини, спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича спартакиадаларни доимий тарзда ўтказаётирмиз. Бу мусобақалар ўсмирларимиз учун чинакам чаққонлик, эпчиллик намойишига айланмоқда.

Ватан ҳимоячилари куни арафасида ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги доирасида спортнинг амалий турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Уларда ўқувчилар, айниқса, қўл жанги, граната улоқтириш, ўқ отиш турлари бўйича маҳорат кўрсатишди. Шунингдек, ҳарбий қисмларда аскарлар билан ўқувчи ёшларнинг учрашувлари, фарзандлик бурчи, Ватан ҳимоясига тайёргарлик каби масалаларга бағишланган суҳбатлар мунтазам ўтказиб борилди.

Ватан ҳимоячилари куни, қолаверса, Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 15 йиллиги жойларда қизғин кутиб олинди. Шу қутлуғ айёмда ҳар биримиз азиз Ватанимиз осойишталигини, халқимизнинг тинч ҳаётини туну кун ҳушёр туриб қўриқлаётган ҳарбий хизматчиларни яна бир бор муборакбод этиб, уларга бахт-саодат, жанговар хизматда сабр-матонат ҳамда куч-ғайрат тилаймиз. Ватанга муҳаббат, фидойилик ҳисси сўнмасин!







**Зоҳиджон**
**АҲМАДХЎЖАЕВ,**
**вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи.**



**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

## очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2007 йил 13 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1 а-уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

| № | Объектнинг номи | Бошланғич баҳоси (сўм) | Объектнинг қисқача тавсифи |
|---|---|---|---|
| | "PALLADA VOSTOK" ШКга қарашли Олмалиқ шаҳар Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, Примқулов кўчаси, 6-уй манзилида сақланаётган | | |
| 1 | Совун ишлаб чиқариш линияси | 83960331 | Ишлатилган |
| 2 | Совун кесиш автомати | 1100989 | Ишлатилган |
| | Бекобод шаҳар Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, "Бекобод савдо" ХЖ 5-омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари | | |
| 3 | Фуқаро А. Юлдашевга қарашли ИЖ-2715, д/р 11 D 8444 | 868893 | 1988 й.и.ч. техник носоз |
| 4 | Фуқаро Д. Ю. Шукуралиевга қарашли Дамас, д/р 11 Т 9635 | 6418100 | 1999 й.и.ч. техник носоз |
| 5 | Фуқаро Х. С. Насритдиновга қарашли Дамас, д/р 11 J 9350 | 6940890 | 2000 й.и.ч. техник носоз |
| 6 | Фуқаро Б. А. Бегимқуловга қарашли Опель омега, д/р 11 U 0107 | 5897400 | 1988 й.и.ч. техник носоз |
| | "Резинатехника" ОАЖга қарашли Тошкент вилояти Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, Ангрен шаҳар, Саноат ҳудуди манзилида сақланаётган | | |
| 7 | ТТЗ-80 инвен.№505241 | 1001974 | 1998 й.и.ч. техник носоз |
| | "Марказий Осиё безак тошлари компанияси" қўшма корхонасига қарашли Қибрай тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган Қибрай тумани, Тузел қ.ф.й., Қува кўчаси, 62-уйда жойлашган қуйидагилар | | |
| 8 | Вагон-уй (идорага мослаштирилган) | 4259777 | Ишлатилган |
| 9 | Кресло офисное крутящийся на роликах | 137500 | Ишлатилган |
| 10 | Кресло офисное с подлокот.обыкнов. 2 дона | 120750 | Ишлатилган |
| 11 | Кресло офисное без подлокотника 2 дона | 120750 | Ишлатилган |
| 12 | Тумба мобильная с 4-мя ящиками 2 дона | 205800 | Ишлатилган |
| 13 | Шкаф, 6-ти дверный | 244125 | Ишлатилган |
| 14 | Мраморный письменный стол 3 дона | 242199 | Ишлатилган |
| 15 | Мраморный стол круглый | 83530 | Ишлатилган |
| 16 | Сплит система настенный "MITSUBISHI" | 433870 | Ишлатилган |

**Ушбу аукцион савдосида сотилмаган мулклар ва сотилгунга қадар автотранспорт воситалари 2007 йил 15, 20, 22, 27 февраль, 6, 8, 13, 15, 20, 22, 27, 29 март, 3, 5, 10, 12 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризалар қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини РКМБнинг (савдо ташкилотчисининг) қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:

**АТИБ "Ипотекабанк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20210000500571452057, МФО 00425, ИНН 200933850.**

Аукцион савдоларига қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлган талабгорлар Республика кўчмас мулк биржасининг 207-хонасига ёки РКМБ Тошкент вилоят савдо майдончасига эълон чиққан санадан бошлаб ҳафтанинг ҳар душанба ва чоршанба кунлари соат 16.00 га қадар мурожаат этишлари мумкин.

Аризалар қуйидаги манзиллар бўйича қабул қилинади:

Республика Кўчмас мулк биржаси манзили: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4-даҳаси, М. Ўразбоев кўчаси, 1 а-уй.

РКМБ Тошкент вилоят савдо майдончаси манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.

**Маълумот учун телефонлар:**
**399-84-48, 399-79-52 (РКМБ), 133-28-52, 133-49-31 (РКМБ Тошкент вилоят савдо майдончаси).**
**Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz**

Лицензия: DB 001 №000004

# ТАБИАТ БОЙЛИКЛАРИ МУҲОФАЗАДА

**Қўриқхоналар ва миллий боғлар табиатимизнинг такрорланмас бойлиги, биологик хилма-хилликни асрашнинг муҳим омилидир.**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида бўлиб ўтган қўриқхоналар ва миллий боғлар фаолиятини янада такомиллаштиришда жамоатчилик иштирокини кучайтиришга бағишланган конференцияда ана шу ҳақда гап борди. Унда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ўрмон хўжалиги, биологик хилма-хилликни асраш ва табиатни муҳофаза қилиш идоралари мутахассислари, экологик жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Конференцияда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қўриқхоналар ва миллий боғлар бўлими, биологик хилма-хилликни асраш ва табиатни муҳофазалаш идоралари мутахассислари, экологик жамоат ташкилотлари вакилларининг мамлакатимизда табиий ресурсларни муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусидаги маърузалари тингланди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт



## КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

**Футзал бўйича ўтган йилги Осиё чемпионатининг кумуш медали совриндори Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 24-28 январь кунлари Эрон пойтахти Теҳронда ўтказиладиган йилнинг дастлабки турнирига ҳозирлик кўрмоқда.**

Футзал бўйича 2006 йилги қитъа чемпионатига илк бор Тошкент мезбонлик қилиб, унда терма жамоамиз Шавкат Абдураимов бошчилигида финалгача муваффақиятли етиб боришган эди. Бу мавсумда эса улар Японияда ўтказиладиган навбатдаги қитъа чемпионатидан фақат олтин медаль билан қайтишни мақсад қилишган. Теҳронда ўтказилажак турнир ана шу синов олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

**«Туркистон-пресс».**



**Профессионал бокснинг WBE йўналишида чемпионлик учун асосий даъвогар бўлган Руслан Чагаев бўлажак жангга тайёргарлик кўриш учун Германияга жўнаб кетди.**

## РУСЛАН ГЕРМАНИЯДА

Ҳамюртимиз ўтган йилнинг ноябрь ойида америкалик Жон Руис устидан ғалаба қозониб, энг оғир вазн тоифасида чемпионлик камарига муносиб эканлигини исботлаган эди. 2007 йилда унинг ўз олдига қўйган дастлабки вазифаси WBE камарини қўлга киритишдир. Бунинг учун у россиялик таниқли боксчи Николай Валуевни мағлуб этиши лозим.

– Валуев билан жанг қачон ва қаерда бўлиши ҳали маълум эмас, бироқ у билан жанг ўтказишим деярлик юз фоизга ҳал бўлган, – деди боксчи.

**«Туркистон-пресс».**

## ҒОЛИБЛАР УЧУН ЙЎЛЛАНМА



**Пойтахтдаги Абсидиант спорт клубида 1990-94 йилларда туғилган ўсмир ёшлар ўртасида муайтай бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилмоқда.**

Мусобақада 200 дан ортиқ ёшлар 12 вазн тоифаси бўйича ғолиблик учун баҳс олиб бормоқда. Эслатиб ўтиш лозимки турнирда ғолиб чиққан муайтайчилар февраль ойида Қозоғистонда ўтказиладиган халқаро турнирда қатнашадилар.

**«Туркистон-пресс».**

## Шундан кейин

### ДАСТЛАБКИ ИСТИСНО



Исроил тарихида биринчи марта вазир лавозимига араб миллатига мансуб шахс тайинланди.

«Авода» партияси аъзоси Ралеб Мажаделе мамлакатнинг фан, маданият ва спорт вазири бўлди. Кнессет депутати Эстерина Тортман бу тайинловни «сионизмга қарши қақшатқич зарба» деб баҳолади.

### ҚАЛЪА ПОСБОНИ – АЁЛ



Буюк Британия пойтахтидаги Лондон Тауэрини 1485 йилдан бери биринчи марта аёл киши муҳофазалайдиган бўлди.

Қачонлардир инглиз қироллари қароргоҳи бўлган қадимий қалъани қўриқлаш хизматчилари – бифитерлар бўлинмасига тайинланган Мойра Кэмерон бундай шарафга муяссар бўлганидан мамнун. У бифитерлик ўрни учун ўтказилган танловда беш нафар эркак номзод билан бирга иштирок этиб, ғолиб чиқди.

### МАҲОРАТ НАРХИ



Англия термасининг собиқ капитани Дэвид Бекхэм бундан буён фаолиятини АҚШда давом эттиражагини эълон қилди.

Шу йилнинг июль ойида у Америка футбол лигаси (MLS)нинг «Лос-Анжелес Гэлакси» клуби билан беш йиллик шартнома имзолаб, августдан майдонга тушиш ниятида. Шартномада назарда тутилаётган давр мобайнида Бекхэм 200 миллион доллар ишлаб топади.

### ТЎП ЎРНИГА КАРТОШКА



Испаниянинг «Севилья» клуби дарвозабони Давид Кобено рақиб жамоа ишқибозларидан анча азият кўрди.

Мамлакат соврини учун нимчорак финалнинг «Райо Вальекано» билан ўтган биринчи ўйини мобайнида голкипер дарвоза томон учаётган ҳўл мева ва сабзавотлардан қочишга жой тополмай қолди. Қизиғи шундаки, мевалар томошабинлар ўтирган жойдан эмас, стадион ёнида жойлашган уй деразасидан улоқтирилди.




Ўшанда навқирон пайтим экан-да. Уззукун идоранинг юк машинасини ҳайдайман. Чарчаш нималигини билмайман. «Алининг қувватини берганми сенга, қуш тинади, сен тинмайсан», деб отам ачингани-ачинган.

Кун бўйи юк ташийман, тунда шаҳар бозорларига «учаман». Улов озроқ таъмирталаб-да, кечасилаб созлаб келай, деб диспетчернинг атрофида гиргиттон бўламан. У охири безор бўлганидан бор-е, деб юборади. «Бошлиқлар кўзидан панароқда юр, ушлаб олишса, ўзинг жавоб берасан» деб тайинлайди.

Бир куни ишхонадан эрта қайтдим. Ётоқда диванга чўзилдим. Шу алфозда кўзим илинибди. Биров дарвозани қоққанидан уйғониб кетдим. Чиқсам, нотаниш бир йигит турибди. Мулозаматни жойига қўйиб, муддаосини айтди:

— Узр, дам олаётган экансиз, безовта қилдим, ака. Икки соатлик хизмат бор эди. Қўшни қишлоқдан шаҳардаги уйимизга кўчиб келмоқчи эдик. Қанча сўрасангиз, бераман. Кўч-кўронни тўплаб, йўлакка чиқариб қўйганмиз. Йўқ деманг, ака, шу тунда қишлоқда тунасам, хотиним фалон бўлсин, деб қасам ичиб қўйганман.

Гапнинг рости, ҳаммамиз ҳам оила, рўзғор, бола-чақа деб ҳаловат билмай юрамиз, оғзингизга сиққанича айтинг, бераман, деб бир норғул йигит йўлагингда пойи-патак бўлиб ялиниб турса, йўқ дейолмас экансан.

— Орт, тушир машмашаси икки соатдан ошмаса бораман, — дедим.

— Ошмайди, йигит кишининг сўзи битта бўлади, — деди у иши бароридан келаётганидан қувониб.

Машинани ўт олдирдим. Йўл-йўлакай мижозимни зимдан кузатдим. Жуссаси йўғон йигитнинг сўлинқираган юзида, кўзларида аллақандай дарднинг кўланкаси қотиб қолган, бир қарашда у бировга илтифот кўрсатадиганга ўхшамасди. У гаплашишга ҳуши бўлмай, ташқарига лоқайд боққанча, афтидан ўзи билан ўзи олишиб борарди.

— Боягинда қасам ичганман дедингиз, талоқни тилга олибсиз. Бу жуда қалтис иш-ку, ука, — ҳамроҳимнинг кўнглига қўл солиб кўрмоқчи бўлдим.

— Ҳа, энди, ака, — у дардини дастурхон қилишга ори келдими, қўлини силтади-қўйди.

— Ота-онангиз ҳаётми? — яна сўроққа тутдим.

— Ҳаёт бўлишса, бу машмашалар тушимга кирмасди. Бирга туғилмоқ бор экан-у, бирга яшамоқ йўқ экан. Олти ака-ука сиққан битта ҳовлига бугун бировимиз сиғмай турибмиз.

— Шаҳарда уйингиз бор экан. Кўч-кўронни эртароқ кўтармабсиз-да, — суҳбатга яна ўт қаладим.

— Ғофил бандамиз-да, ака, бу кўргуликлар бошда бўлгандан кейин ундан қочиб кетиб бўлармиди. Вақти-соати шу бугун экан-да.

— Афтидан мол-дунё талашадиган, бетгачопар йигитга ўхшамайсиз. Овсинлар ўртасида арзимаган воқеадан низо чиққан бўлса, бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдираётган бўлманг тағин...

Ҳамроҳим гўёки чўғ босиб олгандек, қўққисдан мен томон ўгирилди:

— Ёпирай, шофёр қиёфасидаги Хизр эмасмисиз? Билсангиз, акам жони-таним. Уни яхши кўраман. Эрталабки ножўя гапимни кўтаролмади. Юзимга шапалоқ тортиб юборди. Ёнимдан бир қадам жилмайсан, деди. Мен кетаман, деб туриб олдим. Кетмайсан, деб яна урди. Урганидан сираям хафа эмасман. Билсангиз, жуфт қанот бўлиб яшашга чорлаб урди. Қишлоқдаги ўринсиз гап-сўзлардан қадди букилишини ўйлаб урди.

— Ака ота ўрнида ота, уради, сўкади. Шунинг учун ака-да. Буни юракка яқин олиш ноўрин, — юпатган бўлдим мижозимни.

— Ҳамма можаро хотинлардан чиқди, мен сизга айтсам, ака. Хотинимни фаришта демайман. У ҳам ўзига етгунча шаллақи. Нима бўлганда ҳам келинойимнинг ёши улуғ. Болаларнинг ўртасига тушиб, кўч-кўронингни кўтар, деб икки гапнинг бирида қўлини бигиз қилганча, кўчани кўрсатмаса бўларди. Эрталабкиси ошиб тушди. Хотиним тандирдан нон узаётган экан. Ўзимизникилар қатори акамнинг болаларига ҳам битта иссиқ нон бурдалаб берибди. Болаларда гина-кудрат нима қилсин, кран сувига бўктириб, ея бошлашибди. Оғилхонадан сигир соғиб қайтаётган келинойим ўз болалари қўлидаги нонни кўргач, юлқиб олиб, ит ялоғига отибди.

Буниси ҳолва экан. Бир маҳал пайкал этагида полизга тараш бераётиб, акамнинг кенжаси Анваржоннинг жон ҳолатда чинқириғидан қўрқиб, ҳовлига чопдим. Келиб, қай кўз билан кўрайки, келинойим кенжасини оёғининг тагига олиб, жон ҳолатда тепкилаяпти. Хотиним ажратмоқчи бўлган шекилли, бир мушт билан суроби тўғриланибди. Ерда ўтирганча, моматалоқ бўлган чап юзини ушлаб йиғлаяпти. Болани зудликда ердан кўтариб олдим. Қўрқувдан тарашадек қотиб қолган болакай жажжи панжасидаги ивиган иссиқ нонни маҳкам тутганича, ҳушидан кетаёзганди.

Шу топда Анваржон қолиб, менинг жоним ҳалқумимдан чиқаётгандек, дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Акамнинг кенжасини ўзимнинг боламдек яхши кўраман. Бозордан ул бул харид қилсам, акамнинг болаларига ҳам қўшиб оламан. Анваржонга ўзи ёқтирадиган егуликлар олиб келаман. Мени Худо ўғилдан қисган. Тўрттала қизим ҳам Анваржонни ўз укасидек яхши кўришади. Атрофида парвона бўлиб, эркалашади...

— Келинойи, — дедим болаларга қўшилиб йиғлашдан ўзимни зўрға ушлаб. — Шу ҳовлидан кўчиб кетсак, муродингиз ҳосил бўладими? Бу бола қандай гуноҳ қилдики, оёқ ости қилиб тепасиз. Ундан кўра ана, хотинимни нимта-нимта қилиб бурдаламайсизми. Шу бегуноҳ бола ҳақи... Ҳовлидан кўчиб кетсак...

Гапим бўғзимда қолди. Келинойим бидирлаб кетди:

— Чилласи чироқ кўрмаган гадой хотинингни башараси бузилсин. Ҳа, ҳа, икки юзини ҳам чўтир қилмасам, Арофат отим бошқа бўлсин...

Шу алфозда қаёқдандир акам келиб қолди. Нима гаплигини сўраб ўтирмади. Келинойимга бўридай ташланди. Мушт билан ерпарчин қилгач, боши, қорни аралаш тепа бошлади. Анваржонни катта қизимга тутқазиб, акамни маҳкам қучоқлаб олдим. У негадир овоз чиқармай йиғлаётганди, мен ўзимни тутиб туролмадим. Акамга қўшилиб йиғладим. Сўнг тилимга эрк бердим:

— Акажон, — бирдан меҳрим товланиб кетди, — бу жабр-ситам бизга не керак? Сизни ҳам қийнаб юбордик, бугун шаҳарга кўчаман. Шу тунни қишлоқда ўтказсам хотиним фалон бўлсин, деб юбордим.

Акам қўлимдан сирғалиб чиқиб, инграб ётган хотинига ёпишди... Мен яна акамни судраб келинойимдан узоқлаштирдим. Акам «Сўзингни қайтариб ол», деб менга зуғум қила бошлади. Бор гап шу...

Бу пайт машинамиз қишлоқнинг кўчаларидан ўтиб борар, ҳаёт сўқмоқларидаги тўсиқлар олдида бардошини обдон синовдан ўтказиб чарчаган, баногоҳ тилига эрк берган, энди ташлаб кетиши муқаррар бўлган, беғубор болалиги кечган, эндиликда ҳаловати бадарға қилинаётган хонадон сари яқинлашаётгандик.

— Келдик, — деди мижозим. Ярим очиқ дарвоза ортида кўч-кўроннинг бир қисми кўзга ташланиб турарди. Йигит тушгач, машинани қайтариб, эшикка яқин келтириб қўйдим. Қаёқдандир маҳалланинг беш-олти ёшлари пайдо бўлди-ю, гап-сўзсиз юк ташишга киришишди...

Мен ҳовлига зимдан разм солдим. Каттагина. Экин-тикин учун мўлжалланган ер бўш ётибди. Ҳовлига бир-икки кун оралиғида супурги тегмаган. Афтидан овсинлар ўртасида бу юмуш сансалор бўлиб, аросатда қолган. Ишком тагида 5-6 ёшлар чамасидаги озғин, билаклари қорайиб кетган болакай гоҳ менга, гоҳ машинага юк ташиётган қишлоқ болаларига қовоқларини уйганча, тикилади. Хўрлиги келиб, йиғламоққа шайланади. Ҳовли тўридаги айвонли уйга хавотирда боқади. Ҳеч зоғ кўринмагач, товуш чиқариб ҳиқиллаб қўяди.

Хиёл ўтмай юк ортиб бўлинди. Айвонли уйдан ёши элликлардан ошган семиз аёл тушиб келди.

Салом-аликни насия қилиб, дарвоза олдида жаврай бошлади:

— Ҳой, Сафар, бу ёққа кел.

Ўз ҳовлисида бегонадек турган мижозим бошини эгганча хотинга яқинлашди.

— Оларингни олиб бўлдингми?

— Ҳа, — деди мижозим шумшайиб.

— Энди бу ёғи битта арқон қолибди.

— Қанақа арқон? — Сафарали елка учирди. — Менга нима кераги бор? Домда мол боқармидим...

Бирдан таҳликага тушиб қолдим. «Нима бало, ҳали юкни туширмасак эди... Шу улов агар кўч-кўрони билан шу ердан қўзғалса, ўзимни осаман, деб туриб олса-я. Об-бо»

— У ёғи энди сенинг ишинг, иним, — аёл узиб-узиб ниқтади. — Лекин ҳозир арқон керак. Арқон узди қиламиз, тамом, вассалом. Ҳой, сиз ҳам уйда писиб ётавермай, буёққа чиқинг!

— Келинойи, — ёрилди Сафарали синиқ товушда, — мени бу хонадондан ҳеч ким қувиб солаётгани йўқ. Ўз инон-ихтиёрим билан оиламни кўчириб кетяпман. Қолаверса, бу ҳовлида ота-онамнинг изи бор. Келиб бир калима фотиҳамни бағишлаб тураман.

— Ҳо, кўнглингнинг кўчасидан ўргилай. Кўч-кўронингни кўтардингми, тамом, бу хонадонга қадам босмайсан. Ҳозир қадимгилар удумини қўллайман. Арқоннинг бир учини аканг ушлайди, бир учини сенга тутқазаман. Таранг тортиб турасанлар. Мен тиғ билан ўртасидан узаман. Қани арқон?

Томошаталаб болалардан бири мол арқонини ечиб келтирди. Шу онда Сафаралига қараб раҳмим келди. Хонадондан узолмаган кўнглини арқон билан узишга бел боғлаган хотинга мўлтайганча тикилиб, не қиларини билмай, гаранг бўлиб турибди. Менинг вақтим кетяпти.

Айвонли уйдан акаси ҳам чиқай демайди. Демак, Сафарали айтганидек, акаси ҳам укасидан жудо бўлиб қолишни истамайди. Бу семиз хотин эса икки оёғини бир этикка тиқиб олиб, бир қориндан талашиб тушган жигарларни бир-биридан ажратмоқчи. Чидаб туролмадим. Икки-уч одим юриб, хотинга яқинлашдим:

— Хола, сиз бу хонадонга қариндошмисиз? — деб сўрадим.

Қўлида арқон тутганча, сенга нима, бировнинг ишига тумшуғингни сукма, дегандек, гўштдор бурнини жийирганча, менга беписанд боқди. Важоҳатимни кўргач:

— Энди бир камим киракашларга ҳисоб беришим қолувди, — деб шанғиллади.

— Ҳайф сиздек келинойига, — буни мен ичимда айтдимми ёки сиртимда, билмайман. Қўлим қандай арқонга борганини сезмадим. Уни буклаб жон-жаҳдим билан қўшнининг болохоналик томига отиб юбордим.

— Имон, эътиқодимдан айрилмай десангиз, ота уйидан қўзғалаётган мана бу йигитга оқ йўл тиланг. Ёруғ юз, тоза виждон билан кузатинг...

Кутилмаганда карахт бўлиб қолган катта келин гўё илон аврагандек ортга чекинди.

Сафарали аёли, қизларини имлаб, кўчнинг бир чеккасидан ҳозирланган жойга чиқарди. «Маҳкам жойлашиб олинглар» деб тайинлади. Шу топда айвонли уй томондан аканинг момақалдироқдек товуши эшитилди:

— Шошма, ука, сени ўзим жойлаб келаман.

Сафарали турган жойида ҳайкалдек қотди. Масофа икки-уч одим қолганда ака-ука бир-бирига талпинди. Сингиб кетгудек бағирлашди. Иккиси ҳам товуш чиқармай йиғлар, бу кўз ёшлар қўмсашнинг жафосиданми, жудолик ипи ногаҳонда болохонага учганиданми, ҳар нечук воқеа яхшилик билан хотима топаётганиданми, англаш қийин эди.

Ака укасининг бағридан сирғалиб чиқиб, машина юкхонаси тахтасига тирмашди.

— Йўқ, ака, сиз шофёрнинг ёнига, — кўзини рўмолча билан артаётган Сафарали жигарини кабина томон оҳиста итарди. Ишком тагида боядан бери ғингшиб ўтирган болакай отаси томон югурди.

— Мен ҳам... бораман...

Отаси эътироз билдирмади. Ўғлини даст кўтарганича, аллақачон қўлларини чўзиб турган укаси Сафаралига узатди.

**Собиржон ИНОМОВ.**

## Ҳангома

# РАҲИМ АКАНИНГ ЗИЁФАТИ

Кичик ролларни ўйнаб шуҳрат қозонган Раҳим Пирмуҳамедов кўринишдан содда, бўш-баёв бўлгани билан ичидан пишган эди. У улфатларига анчадан бери ош қилиб беришни ваъда қилганди-ю негадир зиёфатни чўзиб келарди. Бир куни ошналари жиндай ёлғон қўшиб ҳазиллашдилар.

— Раҳим ака, якшанба куни фалон самоварда ош бўладиган бўлди, деб улфатларни айтиб қўйдик. Энди иложингиз қолмади. Хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам меҳмон қиласиз. Бўлмаса ҳамма устингиздан кулади.

Раҳим ака энсасини қашлаб туриб қолди.

— Ҳай, майли, — деди у, — ош бўлса ош-да. Якшанба куни ўша самоварга келаверинглар.

Раҳим ака ичида кулди: «Сенлар менинг розилигимсиз ош буюриб қўйибсанлармми, мен ҳам сенларни бир боплаганим бўлсин».

Жума ўтди, шанба ўтди. Якшанба куни Раҳим ака эрта билан бемалол йўлга тушди. У билади, ҳар куни соат 11— 12 ларда театрларда репетиция, демак оғайнилари ишга кетган бўлади. Ҳайиқмай уларникига бориб, истаган нарсани сўраш мумкин.

Раҳим ака тўғри Шукур Бурхоновнинг уйига борди. Шукур аканинг рафиқаси чимкентлик, демак у кишиникида яхши қазилар бўлиши керак, деб ўйларди Раҳим ака.

Шакархон ая кутилмаган меҳмонга ҳайрон боқди.

— Келинг, Раҳимжон ака, тинчликми?

— Тинчлик, — деди Раҳим ака, — мени Шукур акам юбордилар. Бугун улфатлар тўпланишиб, ош қилишмоқчи экан. Шунга Шукур ака, Раҳимжон, бизникига боргинда, холодильникдан иккита қази обкел, дедилар.

Шакархон ая Шукур аканинг қон босими борлигини, у киши қази-картани хуш кўрмаслигини билса-да, иккита йўғон қазини ўраб-чирмаб тутқазди. Раҳим ака Шукур аканикидан чиқиб, Наби Раҳимов хонадонига борди. Наби ака коньякни яхши кўради, деб эшитган эди. Иккитагина топилар деб ўйлади. Наби аканинг хотини ҳам хўжайин юборган бўлса, бажонидил деб икки шиша арман коньягини сув қоғозга ўраб берди.

Хуллас, Раҳим ака тушгача улфатларининг бириникидан гўшт, бировидан ёғ, яна бирисидан гуруч ундириб, ошнинг масаллиғини тўла бутлаб қўйди. Сўнг қалтис ҳазил қилиб, Раҳим акани уялтирмоқчи бўлган ошнасига телефон қилди:

— Хўв, ошхўр, фалон самоварда қозон осиб, ўчоққа ўт ёқиб ўтирибман. Соат олтида етаклашиб келаверинглар.

Айтилган вақтда улфатлар тўпланди. Ҳазил-хузил, аския, мутойиба билан ош ҳам ейилди. Дастурхонга фотиҳа қилинди.

— Қани, омин, — деди жўрабоши, — илоё Раҳимжоннинг бири икки, ўни минг бўлаверсин! Эчкининг думидек кичкина ролларни ўйнаса-да, туянинг қорнидек катта обрў олаверсин! Гоҳо-гоҳо мана шундай эриб туришдан чарчамасин, оллоҳу акбар!

Раҳим ака одатдагидай нимтабассум ила дўстларига ташаккур айтди:

– Сизларга раҳмат! Хонадонларингга барака берсин. Сизлар бўлмаганда бозорга тушишга мажбур бўлардим. Бахтимга омон бўлинглар...

Раҳим аканинг нега раҳмат айтганини улфатлар уйларига борганда билишди.

— Оббо-о! Ўзимизнинг ошимизни ўзимизга едирибди-да, бу Насриддин афанди, — деб қотиб-қотиб кулдилар.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

## Рассом хандаси




Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

Қибрай туманидаги 26-мактаб томонидан 1977 йилда Муҳиддинова Таборак Умаралиевна номига берилган 297632 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қибрай туманидаги 12-мактаб томонидан 1976 йилда Джумагулова Гульзара Арипаевна номига берилган Б № 957991 рақамли саккиз синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 13 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир, қор ёғади. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5 даража совуқ, кундузи 3-5 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир, қор ёғиб, туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-6 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-039. Адади 9598. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Т белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 22.15. 1 2 3 4 5